

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙУНАЛИШИ****Саттаров Абдуғофур Хамидович**

ИИВ Малака ошириш институти

Юридик фанлари кафедраси профессори

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган бола ҳуқуқларига оид ислохотларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда бу борада таълим муассасаларининг олиб бораётган фаолияти, ота-оналарнинг, давлатнинг эътибори борасида сўз юритилган. Шунингдек, кескин ва таҳликали шароитда ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй болаларни ҳимоя қилиш ва ёшларни тарбиялаш масаласида ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш юзасидан нималарга эътибор қаратиши лозимлиги баён этилган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқи, ёшлик, қонунчилик, маҳалла, халқаро тамойиллар, истеъдод, интернат, мураббий.

Мамлакатимизда истиқлол йўлларида барча жаҳбаларда сезиларли сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса сўнгги олти йил ичида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш йўлидаги кенг қамровли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

Фуқаролик жамиятини тараққий эттириш йўлидан бораётган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва стандартларни тан олди ва уларни ўз миллий қонунчилигида, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўла акс эттириб келмоқда. Аввало, бу йуналишда зарур қонунчилик базаси яратилди ва давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилмоқда.

Ана шу қонунлар асосида мамлакатимизда эришилган ютуқлар иқтисодиёт, сиёсат, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, таълим- тарбия ва маънавият соҳасидаги барча ўзгаришлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўтган давр мобайнида Парламентимиз томонидан ёшлар ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бевосита таъминлаб берадиган Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизими яратилди. Шунингдек, бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар 1924 йилги “Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси” да ва 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари декларацияси” да,

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактда,“Иқтисодий,ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактда,шунингдек ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли ҳужжатларида эътироф этилган.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча соҳаларини қамраб олган асосий халқаро ҳужжат бу,1989 йил 20 ноябрда БМТ томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари туғрисида”ги Конвенция ҳисобланади. Мазкур конвенцияни ратификация қилган ҳар қандай давлат ўз жамиятининг аъзолари бўлмиш ёшларни ва болаларни ўсиб–улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишларини ва барча ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Маълумки, оила жамиятнинг энг асосий бўғини ҳисобланади.Демак бола тарбияси ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг аввало оилада ота-онанинг бурчи ҳисобланади.Чунки боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар яхшилик ва эзгулик,олийжаноблик ва меҳр оқибат,орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.Шунинг учун ҳам,айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат,уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини,оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Шундай экан, маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат ўз вақтида ёзганидек: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши,давлатманд бўлиши,бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши,жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши,бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул,асир бўлиши уларнинг ўз оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”

Оиладан сўнг иккинчи ўринда болалар тарбиясида муҳим ўринга эга бўлган институт бу маҳалла ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй болаларни ҳимоя қилиш ва ёшларни тарбиялаш масаласида ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан,уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.

Маҳаллада тинчлик,тотувликни таъминлашда,ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда маҳалла фаолларининг,Ёшлар иттифоқи етакчи кенгашлари,хотин-қизлар кенгашлари,диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар алоҳида ўрин тутди.

Бугун замон шиддат билан ўзгараётган бир пайтда мамлакатимизда изчиллик билан давом эттирилаётган демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир неча фармон ва қарорларга имзо

чекди. “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони шулар жумласидандир.

Маълумки, ёшлар тарбияси ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажagini белгилашда муҳим аҳамият касб этади. У жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ривожланишини ва ислохотларнинг изчиллик билан тараққий этишини таъминлайди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимиз келажagini белгилайдиган ёшларни ва ҳар бир болани ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида билиш ва руёбга чиқариш мақсадида беш ташаббус билан чиққанлиги давлат идоралари, жамоат ташкилотлари зиммасига улкан маъсулият юклади.

Биринчидан, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш. Бу ташаббус буйича 2019-2020 йилларда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 2.миллиондан ортиқ ёшларни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш буйича ҳудудий йўл хариталарини тасдиқлаш назарда тутилган.

Иккинчидан, ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш. Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида яқин икки йил ичида ҳар бир туманда спорт заллари қуриш белгиланган.

Учинчидан, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш. Бу йўналиш буйича 2019-2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар уқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган.

Тўртинчидан, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш.

Ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш назарда тутилган. Яқинда Наманган вилоятига бир миллиондан ортиқ китоблар етказилиб илк бор ана шундай кутубхона ташкил этилди. Бундай хайрли ишлар Республикаимиз миқёсида бошқа вилоятларда ҳам ташкил этилмоқда.

Бешинчидан, хотин қизларни иш билан таъминлаш.

Бу ташаббус бўйича хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва улар учун иш ўринлари яратиш юзасидан чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тайёрланиб унинг ижроси таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ва юқорида зикр этилган Президентимизнинг ташаббуслари талабларини бажариш,

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ёшларни тарбиялаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам чора –тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ички ишлар вазирининг 2019 йил 30 апрелдаги буйруғига асосан Вазирлик тизимидаги ихтисослашган мактаб интернат ва академик лицейларда тегишли соҳавий хизматларнинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда “Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” мавзусида кўргазмали машғулотлар ўтказиш белгилаб қўйилган. ИИВлиги касаба уюшма қўмитаси ва Вазирилиқ Фахрийлар кенгаши ташаббуси билан яқинда Вазирликнинг ихтисослашган мактаб интернатида ёш ўқувчилар иштирокида “Маънавият-миллийликда” мавзусида тадбир ўтказилди. Худди шундай тадбирлар ИИВ лигининг бошқа академик лицейларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда сўнгги етти йил мобайнида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқий кафолотларини таъминлаш борасида ҳам давлат томонидан эътибор янада кўчайтирилди. Президентимиз саъй ҳаракатлари билан боланинг оилада, оиласидан ажраганларни эса уни оиласига қайтариш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларни уй билан таъминлаш, моддий ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар мунтазам давом эттирилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар давом эттирилади, чунки ёшлар ва болаларни ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид давлатимизда халқаро ва миллий ҳуқуқий асослар яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нурмухамедов Р.М., Быкова Л.А. Некоторые вопросы теории обучения и воспитания в медицинских вузах. Т., 1989.
2. А.Б.Барабанщикова. Основы военной психологии и педагогики. Учебное пособие, под. ред. М., 1981.
3. Хамдамов Т.Б. Воспитание в вузе: организация и управление.Т., 1989.
4. Хазламов И.Ф. Педагогика. Учебное пособие. М., 1990.
5. Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Д.Ж.Шарипова, Г.С.Фузаилова, М. Туркменова, Д. Зуфарова, Фарғона 2010 й.
6. Ш. Хонкелдиев, А. Абдуллаев, Ю. М. Касач, А. Т. Хасанов, М. М. Юлдашев. Соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданияти Фарғона 2010 й.